

## СИЁСАТШУНОСЛИК ВА УНИНГ ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

*Абдуразакова Камолахон Юсуповна*

*Алишер Навоий номидаги*

*Тошкент давлат ўзбек тили ва*

*адабиёти университети*

*[kamola.abdurazakova@gmail.ru](mailto:kamola.abdurazakova@gmail.ru)*

**Аннотация:** Мақолада сиёсатшunosликнинг ўрни ва унинг бугунги кунда юртимизда бўлаётган ислохотлар даврида унинг долбзарлиги кўрсатилган. Айнан ана шу ислохотларни тушуниш, уларни таҳлил қилиш ва тўғри хулоса чиқариш учун сиёсатшunosликнинг жамият ҳаётида нечоғлик муҳимлиги ҳақида фикрлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** сиёсатшunosлик, сиёсат, политология, сиёсий онг, сиёсат, сиёсий маданият, сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, халқаро тизимлар, геосиёсат.

Дунё сиёсати - XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин ривожлана бошлаган нисбатан янги фан соҳаси. Дунё сиёсати борасида иш олиб борувчи тадқиқотчилар кейинги бир неча ўн йилликлар давомида соҳанинг кўп параметрлари бўйича анча мураккаблашиб бориётгани, янгича кўринишларда иш юритишмоқда. Ана шундай сиёсатини ривожлантириш, уни глобаллашув даражасига олиб келиш учун, буюк мутафаккирларнинг хиссалари жуда катта бўлган десак ҳам, муболаға бўлмайди. Сабаби, уларнинг бизга қолдирган маънавий-маърифий мерослари туфайли биз ҳозирги кунда нафақат сиёсат соҳасидаги билимлар балки, илмнинг барча соҳаларида эришилаётган ютуқларимиз мисол бўла олади. Масалан, Антик даврнинг буюк файласуфи Аристотель (мил.авв 384-322) фалсафа фанининг йўналишларидан бири бўлган политологияни илмий даражада ўрганганлиги, унга муҳим объект сифатида қараганлиги, ҳозирги даврнинг жаҳон сиёсатида мавжуд бўлган сиёсий тизимларнинг ривожланишига сабаб бўлди.

Сиёсатшunosлик (политология) - юнонча *politika* – давлат, ижтимоий ишлар ҳамда *Logos* - таълимот, яъни сиёсат ҳақидаги таълимот маъносини англатади. Унинг сиёсий моҳияти жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни илмийназарий жиҳатдан асослаб беришдир.[1]

Бугунги кундаги давлатимизда бўлаётган ислохотлар политологияни яъни сиёсатшunosликни ўрганиш зарурияти янада ортиб бормоқда, сабаби

демократик ислохотларни чуқурлашиши, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш даврида жамиятимизни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш ҳар биримизнинг бурчимиз сифатида эътироф этилмоқда.

Сиёсашунослик жамиятни ўраб турган барча ижтимоий соҳаларни ўз ичига олади. Сиёсий фанларни ўрганиш эса инсон камолотини янада сиёсий соҳада ошириб, нафақат мамлакатимиз сиёсатида балки, жаҳон сиёсатида ҳам тўғри баҳо беришни ўргатади. Сиёсатшунослик – жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсат, сиёсий жараёнлар, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ўзаро муносабатда бўлган турли ижтимоий гуруҳлар, фуқароларнинг ўрни ва роли, ҳокимиятга муносабати, уни сақлаб туриш механизми ва воситалари, жараёнлари ҳамда амалиётни ўрганадиган фандир. Сиёсатшуносликнинг предмети – ижтимоий ҳодиса сифатида сиёсатнинг моҳиятини ёритишдан иборат бўлиб, у ўз ичига ҳокимият билан боғлиқ аниқ мавзуларни мужассамлаштирган.

Сиёсатшуносликнинг фани бошқа ижтимоий фанлардан фарқи шундаки, у жамиятнинг сиёсий жараёнлари тўғрисида фикр юритади. Жамият ҳаётида сиёсий ҳокимият муҳим ўрин тутаяди. Жамиятнинг сиёсий ҳокимияти, бу ҳокимиятнинг моҳияти ва тузилишини аниқлаш, унинг жамиятда тақсимланиши ҳамда унинг механизмларини билиш сиёсатшунослик фанининг муҳим объектидир.

Сиёсатшунослик тушунчаларига «сиёсат», «сиёсий ҳокимият», «сиёсий жараёнлар», «сиёсий ҳаёт», «сиёсий муносабат», «сиёсий институтлар», «сиёсий тизим», «сиёсий онг», «сиёсий маданият», «сиёсий қадриятлар», «халқаро сиёсий муносабатлар» ва бошқалар киради. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўз сиёсий мазмунига эга бўлиб, сиёсий жараёнлар тизимида намоён бўлади. Ҳар қандай сиёсатни ривожлантириш учун авваломбор жамоа керак бўлади деганидир. Ана шундай жамоа, гуруҳлар, турли синфлар бирлашиб жамиятни яратишади ва давлатнинг шаклланишига олиб келади. Ана шу давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, сақлаб қолиш, ундан самарали фойдаланиш учун ҳаракатланади. Сиёсатда энг муҳим ва моҳиятли йўналиш – давлат ҳокимиятини қуришдир. Сиёсат деганда, авваломбор, давлатнинг барча соҳаларида иштирок этиш тушунилади. Демак, жамият - бу давлат, сиёсат – шу давлатнинг манфаатларини кўзлашдир, бошқачароқ айтганда давлат – куч, сиёсат – пулни изоҳлайди ва кўрсаткичли иқтисодиётни тадбиқ этади.

Сиёсатшунослик ижтимоий фанларнинг илмий хулосаларидан қандай бўлса, шундайлигича фойдаланмайди, балки жамият, давлат ва фуқаролар ҳаётида бўладиган сиёсий ўзгаришлар ва уларнинг ҳокимиятга муносабатларини ҳамда бу ўзгаришларни амалга ошириш усуллари, механизмларини ўрганади,

сиёсий хулоса, амалий таклифлар беради. Буни биз М.Вебернинг машхур "Сиёсат ҳам майл, ҳам касб сифатида" мақоласида айтган: "Сиёсат... Бу тушунча ниҳоятда кенг маънога эга ва мустақил бошқарувга доир фаолиятнинг барча кўринишларини ўз ичига олади. Банкларнинг валюта сиёсати, касаба уюшмасининг иш ташлаш вақтидаги сиёсати тўғрисида гапирилади, шаҳар ёки қишлоқ жамоасининг мактабларга оид сиёсати, корпорация раҳбарининг бошқарув сиёсати ва ниҳоят, ҳатто ўз эрини бошқаришга интилаётган ақлли хотин сиёсати ҳақида гапириш мумкин"[2], деган сўзларни инобатга олган ҳолда сиёсатшунослик ҳам инсонни ана шундай сиёсий жараёнларни фақатгина тушунмай кузатиб эмас, балки англаган ҳолда ана шундай жараёнларда фаол иштирок этишни ўргатади.

Сиёсатшунослик фани ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида муҳим ўрин тутди ҳамда сиёсатни ўрганишда ўзига хос хусусияти, мақсад ва вазифалари борлиги билан фарқланади. Сиёсат – илм-фанни қизиқтириб келган анъанавий соҳа ҳисобланади. Сиёсатга, жамиятнинг бошқа ижтимоий ҳодисалари сингари, умумий ва ўзига хос хусусиятлар, жиҳатлар хосдир. Бу сиёсатни турли фанлар нуқтаи назаридан ўрганиш имкониятини беради. Айни пайтда яна шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий фанларнинг бирортаси сиёсат тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўла олмайди. Сиёсатшунослик эса фақат сиёсат олами билан боғлиқ бўлган билимлар билан ана шу вазифани амалга оширади, бунда сиёсий ҳокимиятни ким, қайси сиёсий ёки ижтимоий гуруҳлар томонидан қандай мақсадлар, манфаатлар ва тамойиллар тизимида амалга оширилиши билан шуғулланади. Қолаверса, сиёсий ҳокимият, уни амалга оширишда ўрнатилган сиёсий режим фаолияти доираси, шунингдек, муайян гуруҳлар мавқеи ва муносабати, ҳокимият қамрови, уни бошқариш усуллари аниқлаб беради.

Сиёсатшуносликнинг ижтимоий-гуманитар фанлардаги ўрнини белгилаб берадиган назарий ва амалий шарт-шароитлар мавжуд. Бу аввало, амалий характердаги эҳтиёжлар, қолаверса, мамлакатда амалга ошаётган демократик жараёнлар ва ўзгаришлар билан боғлиқ. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, сиёсатшунослик сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишда катта имкониятга эга. Сиёсий жараёнларнинг бориши, унда иштирок этаётган сиёсий кучлар, улар томонидан сиёсатнинг идрок этилиши, уларнинг мақсад ва ташаббуслари, фаоллик даражалари сиёсатда ўз ифодасини топади. Шунингдек, сиёсатшунослик жамият ҳаётининг сиёсий соҳасини ўрганар экан, унда жамиятни бошқаришнинг асосий институтлари, давлат, партиялар ва бошқа сиёсий-ижтимоий ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари мазмунини, характерини ҳам ҳисобга олади. Чунки, сиёсий муносабатлар натижаси кўпроқ унга боғлиқ бўлади [3].



Политология фанининг бошқа сиёсий фанлар билан боғлиқлигини яна шу билан изоҳлаш мумкинки, у ижтимоий-сиёсий фанларда ишлаб чиқилган назарий хулосаларга, амалий тажрибаларга асосланган ҳолда иш олиб боради. Масалан, миллий муносабатлар билан боғлиқ масалалар фалсафа, сиёсий тарих, сиёсий психология, сиёсий социология каби фанларда ҳам ўрганилади. Фалсафа миллатларнинг вужудга келиши ва ривожланишини умумижтимоий қонунлар асосида ўрганса, сиёсий тарихда асосий эътибор, у ёки бу сиёсий партияларнинг миллий муносабатлари соҳасидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган назарий ва амалий фаолиятини ўрганади. Социал психологияда эса, миллатларнинг кайфияти, уларнинг давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар олиб борадиган миллий сиёсатга бўлган муносабатлари ўрганилади [4].

Юқорида келтирилганлардан ҳулоса қилиб, сиёсий онг, сиёсат, сиёсий маданият, сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, халқаро тизимлар, геосиёсат, унинг механизми, воситалари ва амалиётни ўрганишда муайян қонунларга таянар экан, бу қонунлар албатта ижтимоий гуманитар фанларда ўз тасдиғини топади. Политология сиёсат билан жамият муносабатларини енгиллаштибгина қолмай, инсонни сиёсатда фаол иштирокини таъминлайди. Сиёсатда тўғри иштрок этиш, ўз мақсадини, манфаатини, имкониятларини қонун даражасида ҳимоя қила олиш сиёсат ва инсоннинг ажралмас жуфтлик сифатида намоён қилади. Бугунги кунда сиёсатшунослик жаҳон мамлакатларида энг нуфузли фанлардан бири саналар экан, биз ҳам ана шу анъанага таянган ҳолда иш олиб боришимиз жуда ҳам ўринлидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Қаранг: Носирхўжаев С., Султонов Т., Сиёсатшунослик . ўқув қўлланма
2. Қаранг: М.Вебер. Избранные произведения. М.: 1990 й. 644-645-бетлар. 3. Қаранг: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. Москва, 2005, 13-15 бетлар.
4. Қаранг: Рафиқов /., Содиқов А., Раҳмонов Б. Сиёсатшунослик фанидан маърузалар матни. Тошкент: ТошДИУ, 2000, 3–8-бетлар.